

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

23 Февраль 2018 й. г. № 140

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш
концепциясини тасдиқлаш тўғрисида**

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишлар самарадорлигини ошириш ва фаоллаштириш, бу борадаги таълим-тарбиявий ишларга мамлакатимиз фуқароларини, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада фаол жалб этиш ва ёшлар онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини сингдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Қуидагилар:

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) 1-иловага;

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуидагилар Концепциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш;

қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносаб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш;

миллий армиямизга жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурч экани ҳақидаги тушунчани ҳамда бу борадаги назарий-амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш;

ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй берадиган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиқсан ҳолда ёндашиб кўникмаларини, турли ички ва ташқи ҳақидадарга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш, замонавий ҳарбий-техника воситаларидан самарали фойдаланиш малакасига эга ёшларни тарбиялаш;

Ўзбекистон манфаатларини нафакат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабхаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш – бу бугунги

кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ёшлар онгига сингдириб бориш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ой муддатда Концепция асосида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ҳудудий комплекс дастурларини ишлаб чиқсан ва тасдиқласин.

4. Дастурнинг бажарилиши учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишли чоратадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этсинлар ҳамда йилнинг ҳар чораги биринчи ойининг бешинчи санасигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисботларни тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

Дастурни бажариш юзасидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда унинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатилишини таъминласин;

Дастурни бажарилиши юзасидан йилнинг ҳар чораги биринчи ойининг ўнинчи санасигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисботларни тақдим этсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири А.А. Азизов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “23” феврал даги 140-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш КОНЦЕПЦИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва асосий принциплари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган шароитда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ долзарб вазифалар ва уларни ҳал этиш йўллари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, оила, маҳалла, таълим-тарбия институтларининг бу борадаги роли ва аҳамиятини, ўзаро ҳамкорлигини миллий ва халқаро ҳуқукий нормаларни хисобга олган ҳолда белгилаб беради.

2. Мазкур Концепцияда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига жисмонан ва мъянан соғлом авлодни тарбиялашга оид яхлит таълим-тарбия тизими ning узвий ва ажралмас қисми сифатида қаралиб, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида миллий ва жаҳондаги илғор тажрибалар, бугунги Ўзбекистон ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

3. Она-Ватанимизни кўз қорачигидек асрар, унинг шуҳратини дунёга тараннум этиш билан боғлиқ энг муҳим тушунчалар, ҳаётий ва профессионал кўнилмаларни илм-маърифат асосида ёшларнинг қалби ва онгига илк болалик давридан бошлаб сингдириб бориш орқали Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвар фуқароларини тарбиялаш Концепциянинг асосий мазмунини ташкил этади.

4. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – бу миллати, тили ва касбидан қатъи назар, ёшларда Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, жамият ва давлат манфаатларини химоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларининг кўп босқичли, тизимли, мақсадли ва мувофиқлаштирилган фаолиятидир.

2-боб. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади ва асосий вазифалари

5. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади ёшларда жамиятнинг турли тармоқлари, айниқса, ҳарбий соҳа билан алоқадор бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, тинч ва ҳарбий шароитда Конституция ва ҳарбий бурчга садоқатли бўлиш, уларда ўз юрти ва халқи тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни шакллантиришдан иборат.

6. Қуидагилар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ёшларни миллий гоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш;

қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш;

миллий армиямизга жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурч экани ҳақидаги тушунчани ҳамда бу борадаги назарий-амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш;

ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй берадиган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиқсан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш, замонавий ҳарбий-техника воситаларидан самарали фойдаланиш малакасига эга ёшларни тарбиялаш;

Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрг учун фидойи бўлиш – бу бугунги кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ёшлар онгига сингдириб бориш.

3-боб. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими ва унинг асосий принциплари

7. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими узлуксиз жараён бўлиб, у бир-бирига боғлиқ сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, гоявий-мафкуравий, маданий-маърифий тадбирлар мажмуасидан иборат.

8. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Қуролли Кучларнинг умумҳарбий низомлари ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ олиб борилади.

9. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари мунтазам равишда тизимли ва илмий асосда ташкил этилади.

10. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими қуидагилардан иборат:

таълим-тарбия жараёнида ижтимоий-маънавий аҳамиятга молик қадриятларни, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасалари;

оммавий ва ҳарбий-ватанпарварлик ишларини амалга оширадиган давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек бошқа ташкилотлар.

11. Қуйидагилар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий принциплари ҳисобланади:

илмийлик;
тарихийлик;
аниқлик ва тезкорлик;
мунтазамлилик;
фаоллик;
таълим ва тарбия ишларининг уйғунылиги;
тарбия жараёнининг изчиллиги;
ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида эришилган ижобий натижа ва ютуқларга таяниш.

4-боб. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг усул ва шакллари

12. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш усуллари ёшларда зарур ҳаётый билим, кўнкима, маҳорат ва мустаҳкам иродани, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга қаратилган, уларнинг онги, руҳияти ва фаолиятига таъсир кўрсатадиган омиллардан иборат.

Куйидагилар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг усуллари ҳисобланади:

ишонтириш;
машқ қилдириш ва мустақил ишлаш;
кузатиш;
рағбатлантириш;
ўрнак кўрсатиш ва шахсий намуна.

13. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш турли шаклларда, жумладан, илмий-амалий анжуманлар, савол-жавоб кечалари, китобхонлик, ўйинлар, машҳур кишилар билан учрашувлар тарзида ва бошқа шаклларда ташкил этилади. Улар маънавий-маърифий ишларнинг ранг-баранглигини таъминлайди, пировард натижада жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга хизмат қиласи.

Бунда қуйидаги шакллар устувор аҳамиятга эга бўлади:

маъруза ўқиши, савол-жавоб кечалари, якка ва жамоавий сухбатлар;
бой ҳаётый тажрибага эга бўлган ҳарбий хизматчи ва фахрийлар, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида, турли мусобақа ва танловларда ғолиб бўлишган шахслар билан учрашувлар;

илмий-назарий ва амалий конференциялар, семинар-тренинглар, муайян мавзуга багишлиланган кечалар, баҳс-мунозаралар, викториналар, давра сухбатлари;

тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш;

жамоатчилик фикри ва ҳарбий жамоалардаги маънавий-руҳий муҳитни ўрганиш;

телекүрсатув ва радиоэшилтиришлар, фильм ва мультфильмлар, бадиий ва мусиқий асарлар, аскар қўшиқлари, оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар ва электрон ўйинлар ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш;

уруш ва меҳнат фахрийлари, жанговар ҳаракатлар иштирокчилари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш;

ҳарбий хизматга чақирилувчилар куни, мардлик сабоқларини ўтказиш ва экскурсиялар уюштири.

5-боб. Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг босқичлари ва йўналишлари

14. Давлат ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини ташкил этиш, унинг натижалари мониторингини юритишни таъминлайдиган асосий институт ҳисобланади. Давлат ёш авлоднинг тарбия жараёнини оилада, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларида, ҳарбий хизмат давомида, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, турли давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари доирасида ташкил этади.

15. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари қуйидаги тўрт босқичда амалга оширилади:

а) биринчи босқич (3-7 ёшдагилар) атрофдаги олам, Ватан ҳақида дастлабки тасаввурлар пайдо бўладиган босқич ҳисобланиб, унда оила ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга турли шеърлар, куй ва қўшиқлар ўргатиш, мультфильм ва турли ўйинлар намойиш этиш, расмлар чизиш орқали дунёни англаш, давлат рамзлари (байроқ, герб, мадхия) билан танишиш асосида уларда она-юрга муҳаббатни шакллантиришни ўз ичига олади. Ушбу босқичда қуйидагиларга асосий эътибор қаратилиади:

ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида дастлабки тасаввурларни шакллантириш мақсадида эртак ва ҳикоялар айтиб бериш;

она-Ватанга муҳаббат, Ватан ҳимояси муқаддас бурч экани билан боғлиқ мавзуулардаги шеър ва қўшиқларни ёд олдириш;

болаларнинг тасаввурини кенгайтиришга доир расмлар чиздириш ва жисмоний қобилиятини мустаҳкамлаш учун турли мусобақа ва танловлар ташкил этиш, шу орқали уларни маънавий рағбатлантириш;

ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги мультфильмлар намойиш этиш ва турли ўйинлар ўтказиш;

ҳарбий музейлар ва ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси билан боғлиқ маданият ва истироҳат боғларига экскурсиялар уюштириш;

б) иккинчи босқичда (7-16 ёшдагилар) ўқувчиларнинг Ватанга муҳаббати ва садоқатини мустаҳкамлаш, она-юрг олдидаги фарзандлик бурчини юксак масъулият билан бажариш, уларда Қуроли Кучларимизга бўлган ижобий фикрларни янада кенгайтириш, ҳарбий хизмат нуфузини кўтариш, ёшларнинг жисмонан соғлом, маънавий етук, кенг дунёқарашли, мустақил фикр юритадиган баркамол инсон сифатида шакллантириш каби эзгу ишларга даъват этилади. Бу босқичда:

замонамиз қаҳрамонлари ҳақидаги мақолалар, бадий адабиётларни мутолаа қилиш;

умумий ўрта таълим муассасаларида ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида маданий-маърифий тадбирлар, мавзули кечалар ва қўшиқ танловлари ташкил этиш, спектакллардан лавҳалар намойиш қилиш;

ўқувчи ёшлар иштирокида “Ватанимни кўз қорачиғидек асрайман”, “Юрт тақдири – менинг тақдири” мавзуларида иншолар танловини ташкил этиш;

соғломлаштириш оромгоҳларида “Темурбекнинг издошлари”, “Ўзбекистон фарзандлари ботир бўлур” каби мавзуларда спорт мусобақалари ва тадбирлар ташкил этиш;

ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида бадий ва хужжатли фильмлар, мультфильмлар намойиш этиш ва уларнинг муҳокамасини ўтказиш;

дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларга буюк саркардаларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотларни киритиш, уларнинг жасорати, фидойилиги ва қаҳрамонликлари тўғрисида ёрқин мисоллар асосида ҳикоя қилиб бериш;

Темурбеклар мактаблари, олий ҳарбий таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг маҳсус гурухлари ва ҳарбий қисмларга экскурсиялар ташкил этиш;

“Мард ўғлон” давлат мукофотига сазовор бўлган юртдошларимиз билан учрашувлар ўтказиш, улар эришган ютуқ ва натижаларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирокида “Темурбек ворислари” ҳарбий-спорт ўйинларини босқичма-босқич ташкил этишга алоҳида аҳамият бериш;

в) учинчи босқич (16-18 ёшдагилар) ёшларда Ватанга ва унинг ҳимояси учун муносиб хизмат қилишга руҳан ва жисмонан тайёрликни таъминлашга йўналтирилади. Мазкур босқичда юқоридаги вазифаларга қўшимча равища куйидаги масалаларга эътибор қаратилади:

ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳарбий хизматга нисбатан уларнинг мустақил фикри ва ижобий қарашларини шакллантириш, ватанпарварлик туйғуларини кучайтириб бориш;

ўқувчи ёшларнинг назарий ва амалий билим ва кўникмаларини бойитиши мақсадида мудофаа ишлари бўлимлари ва ҳарбий қисмлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли сермазмун ва қизиқарли тадбирлар ташкил этиш;

миллий армиямиз учун жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизматнинг аҳамияти, Куролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумот берабор бориш;

г) тўртинчи босқич (18-30 ёшдагилар) ёшларнинг жисмоний ва маънавий қобилияти, етакчилик кўникмалари ва интеллектуал салоҳияти, умумий ва профессионал малакасини ошириш, уларни ўз устида мунтазам ишлаш, соғлом ҳаёт кечиришга ундаш ва шунга эришишни назарда тутади. Ушбу босқичда куйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш талаб этилади:

ёш авлодни ҳар томонлама етук, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак, ота-она ва Ватанига садоқатли инсонлар этиб тарбиялашнинг аҳамияти тўғрисидаги тасаввур ва билимларни янада бойитиш;

Ватан химоясига доимо тайёр бўлиш ва Куролли Кучлар сафида хизмат бурчини ўтаётган ёшлар билан фахрланиш, конституцион бурч ва ҳарбий қасамёдга содиқлик туйғуларини шакллантириш;

ҳарбий хизмат шароитларига мослашиш ва ҳарбий ихтисосликларни пухта эгаллаш, ҳар қандай қийинчиликка тайёр туриш, матонат ва жасорат фазилатларини мустаҳкамлаш, қурол-аслаҳа, ҳарбий техника, давлат ва ҳарбий мулкни асраб-авайлаш кўникмаларини ривожлантириш;

жанговар тайёргарлик ва ҳарбий маҳоратни мунтазам ошириб бориш, ҳарбий жамоада қарор топган ўзаро ёрдам ва дўстона муносабатларни қадрлаш каби фазилатларни шакллантириш;

ёшларнинг ўз танлаган касбини пухта эгаллаши ва етук мутахассис бўлиб етишиши учун яқиндан кўмаклашиш;

китобхонликни кенг тарғиб этиш, жамиятда юксак маънавиятни қарор топтиришда бадиий асарларнинг роли ва аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш;

миллий мафкурамизга зид бўлган ёт ғояларга қарши танқидий қараш ва мафкуравий иммунитетни, ўзига ишонч, хушёрлик ва огоҳлик туйғуларини мустаҳкамлаш;

ёшларда фаол ҳаётий позиция ва ўзининг мустақил фикр-мулоҳазаларини аниқ баён эта олиш, масъулиятни хис этиш, қатъий тартиб ва интизомга риоя қилиш фазилатларини шакллантириш, уларни қатъиятли бўлишга ўргатиш.

6-боб. Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлиги ва мезонлари

16. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарадорлиги ушбу жараённинг баркамол авлод тарбиясига, ёшларнинг ватанпарварлик даражасига қай даражада ижобий таъсир этгани билан белгиланади.

17. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясидаги самарадорлик даражасини аниқлашнинг муҳим шарти ёшларда ватанпарварлик, ҳарбий бурч, жанговар анъаналарга содиқлик каби хислатларнинг реал ҳолатда янада ривожланиши ва такомиллашувига ижобий таъсир этадиган омилларни мунтазам равишда ҳисобга олиб, таҳлил этиб борищдан иборат.

18. Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим мезонларидан бири ўсиб келаётган ёш авлод олдига жамият томонидан қўйилган талаблар бу борада олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг маъно-мазмуни, шакл ва усуллари билан қай даражада мутаносиб экани билан белгиланади.

7-боб. Якуний қоидалар

19. Мазкур Концепция ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг самарадорлигини ошириш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар, фуқаролик позицияси, Ватанини севиш ва уни кўз қорачиғидек асрашга қаратилган билим ва кўникмаларни ошириш учун услубий асос бўлиб хизмат қиласи.

20. Концепциянинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ватанпарварлик туйғусини юксалтириш, миллий армиямиз сафларини замонавий билим ва профессионал малакага, мустаҳкам ирода, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёшлар билан тўлдириб бориш имконини беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “23” февралдаги 140 сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини амалга ошириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

| T/p | Чора-тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун маъсуллар |
|-----|--|---|---|
| 1. | Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш ҳамда мазкур ишларни мувофиқлаштириб бориш мақсадида масъул вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг кўшма қарорини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. | 2018 йил март | Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, “Маҳалла” жамғармаси |
| 2. | Умумий ўрта таълим ҳамда касб-хунар таълими муассасалари учун мўлжалланган чақиравга қадар бошлангич тайёргарлик бўйича дарслик ва ўкув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш, бунда буюк саркардаларнинг ҳаёти ва саркардалик маҳорати, жасорати ва қаҳрамонликлари ҳақидаги маълумотларни назарда тутиш. | 2018-2020 йиллар давомида | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази |
| 3. | Мамлакатимизда Куролли Кучлар соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ва жамиятда ҳарбийлик касбига ҳурмат ва эътиборни янада кучайтириш мақсадида “маънавият соатлари”ни вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларда тизимли ташкил этиш. | 2018 йил ҳар ойда, маҳсус ишлаб чиқилган режа асосида | Республика Маънавият ва маърифат маркази, Мудофаа вазирлиги, Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши, тегишли вазирликлар ва идоралар |
| 4. | Ёзги оромгоҳлар тарбияланувчилари учун “Мен ҳарбий бўламан” машғулотларини ташкил этиш. | июнь-август | Касаба уюшмалари федарацияси, Мудофаа вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун маъсуллар |
|-----|---|----------------------------------|--|
| 5. | Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини мард ва паҳлавон йигит бўлишга бўлган ҳавасларини оширишга ва она-юртга содик фарзанд бўлиш туйгуларини шакллантиришга қаратилган “Жалолиддин баҳодирлари” номли спорт ўйинларини ташкил этиб бориш. | ҳар йили 1 июнь арафасида | Мактабгача таълим вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 6. | Умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари иштирокида “Темурбеклар” ва “Бургутлар” ҳарбий спорт ўйинларини ташкил этиш. | ҳар йили | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги |
| 7. | Ўқувчи-ёшларни ҳар йили жойлардаги ҳарбий қисмлар, олий ҳарбий таълим муассасалари ва Темурбеклар мактабларига экспурсияларини мунтазам ташкил этиб бориш режасини ишлаб чиқиши. | ҳар йили 1 декабргача | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи |
| 8. | Умумий ўрта таълим ҳамда касб-хунар таълими муассасаларида ҳарбий тайёргарлик синф хоналарини ташкил этиш, муассасалар спорт залларида жисмоний тайёргарлик бўйича амалий машғулотлар ўtkазиш учун зарур шароитлар ҳамда тўсикли йўлаклардан иборат спорт майдончаларини ташкил этиш. | 2018-2020 йиллар давомида | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 9. | Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10 ва 11-синф ўқувчилари учун чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фанини ҳамда фан раҳбари ва ўқитувчилар штат бирликларини киритиши. | 2018 йил 1 апрель | Халқ таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 10. | Бой ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳарбий хизматчилар ва Куролли Кучлар фахрийлари, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида, турли мусобақа ва танловларда ғолибликни қўлга | алоҳида режа асосида (ҳар бир | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича худудий кенгашлар, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун маъсуллар |
|-----|---|---|--|
| | киритган ҳарбий хизматчилар ҳамда уруш қатнашчилари, бошқа жанговар ҳаракатлар қатнашчилари иштирокида маҳаллаларда аҳоли ва ёшлар билан режали равишда учрашувлар ва давра сухбатларини ўюштириб бориш. | маҳаллада ҳар чоракда камида бир маротаба) | вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи |
| 11. | Республикамизнинг барча туманлари ва чегараолди ҳудудларида, истироҳат боғларида аҳоли, айниқса ёшлар учун ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида қўшиқлар ва ҳарбий оркестр мусиқаларининг, шунингдек, кишлоқ, туман ва вилоят кўчалари бўйлаб ҳарбий бўлинмаларнинг ҳарбий оркестр жамоаси билан саф қўшикларини мунтазам ижро этиб ўтишларини йўлга қўйиш. | мунтазам, алоҳида ишлаб чиқилган режа асосида | Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ансамбллари ва ҳарбий оркестр ижодий жамоалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 12. | Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳар йили Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши ва унинг минтақавий бўлинмалари аъзолари, фан, маданият ва санъат арбоблари, спорт вакиллари иштирокида чакирувга қадар ёшлар билан “Ҳарбий хизматга чақирилувчилар куни” мавзууда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш. | ҳар йили 1 февралга қадар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши |
| 13. | Худудларда тарихий ва қўшин турига оид курол-яроғ ва аслаҳалар, ҳарбий техника кўргазмалари, тир ва турли ҳарбийлаштирилган аттракционлар жойлашган ҳарбий-ватанпарварлик истироҳат боғларини ташкил қилиш ва фаолиятини такомиллаштириб бориш. | 2018-2020 йиллар давомида | Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 14. | Ҳарбий қисмларда ўтказиладиган жанговар тайёргарлик машғулотларига соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Захириддин Мухаммад Бобур каби буюк саркардаларнинг ҳарбий салоҳияти ва жанг қилиш санъати ҳақида мавзулар киритиш. | 2019 йилдан бошлаб | Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун маъсуллар |
|-----|--|---------------------------------------|---|
| 15. | Ўсиб келаётган ёш авлодда мардлик, жасурлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган бадиий, хужжатли, хроникали фильмлар, мультфильмлар, шунингдек турли электрон ўйинлар ишлаб чиқилишини ички дастур ва режаларга киритиш. | ҳар йили, ишлаб чиқилган режа асосида | “Ўзбеккино” миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Миллий телерадиокомпания, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги |
| 16. | Ватанимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлган ҳарбий хизматчиларнинг хотирасини абадийлаштириш, айни кунда ўзининг масъулиятли ва шарафли бурчини муносаб адo этаётган Ватан посбонларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши. | ҳар йили 1 декабргача | Мудофаа вазирлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи |
| 17. | Мудофаа вазирлиги штат бирлиги доирасида Куролли Кучлар медиа марказини ташкил этиш ҳамда мавжуд давлат ва нодавлат телеканаллари билан ҳамкорликда миллий армиямизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳарбий касб мутахассисликлари, ҳарбий кадрлар тайёрлаш масалалари ҳамда ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига йўналтирилган хужжатли ва ўкув фильмлар, ижтимоий видеороликлар, қўшиқларга видеоклиплар тайёрлаб боришини йўлга қўйиши. | 2018 йил 1 апрель | Мудофаа вазирлиги, Миллий телерадиокомпания, “Ўзбеккино” миллий агентлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи |
| 18. | Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбийлик касби нуфузини ошириш, ҳарбий хизматчилар эришаётган ютуқлар ва уларнинг ижтимоий ҳимояси борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлиар уюштириш. | ҳар ойда | Мудофаа вазирлиги, Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

